

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
**НОКИМИ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

1411001, Nurobod shahri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy.
Tel: 633-10-34, Fax: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

1411001, Нурабад Ҷа. Мустақиллик кў. 2-й.
Тел: 633-10-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2017 йил «11» сентябр

№ 914-Д

**Маишдан дастур асосида қуришни
режалаштирилган тикув цехи биносини
қуриш учун ер майдонини танлаб ажратилиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, "Ер кодекси"нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига онд бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 01 июндаги "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДУК билан келишилган №1-10/2023-сонли келишув хати ва йиғилиш баёни, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 17 майдаги №1149-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Эргашева Мохларойим томонидан Нуробод тумани Амир Темур номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан 0,04 гектар ер майдонига тикув цехи биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 25 августдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Эргашева Мохларойимга Нуробод тумани Амир Темур номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,04 гектар ер майдонига тикув цехи биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 25 августдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Эргашева Мохларойимга куйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш. -вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га фуқаро Эргашева Мохларойим томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси (Ж.Джиянов)га фуқаро Эргашева Мохларойимга ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда икки кун муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Эргашева Мохларойим томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Туман ҳокими



Ф.Занров